

151113 Маргилон шаҳри, Янги-Фаргона кўчаси 1 уй, тел: 237-54-25, факс 237-40-24
ОКОНХ 71240, X/P: 20208000200215723001, МФО 00991, АТБ Хамкорбанк Маргилон ф. ИНН 200138724

№ 68
06 август 2020 й

«Биржа НУ» МЧЖ Бош Директори
У.Нусуров га

«ФАРГОНА ГҮШТ-СУТ САВДО» акциядорлик жамияти мева сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхонаси Сиздан қуйдаги эълонни «Биржа» Республика иқтисодий газетаси саҳифаларида чоп этишингизни сўрайди.

Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида

БИЛДИРИШНОМА

«Фаргона Гүшт-Сут Савдо» акциядорлик жамияти мева сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхонаси акциядорлари диккатига!

«Фаргона Гүшт-Сут Савдо» АЖ МСМТваҒК Акциядорларининг 2019 йил якунлари бўйича навбатдаги Умумий йиғилиши 2020 йил 05-сентябрь куни соат 11-30 да Фаргона вилояти Маргилон шаҳар Янги Фаргона кучаси 1-уйда жойлашган мажлислар залида бўлиб ўтишини маълум қилади.

Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш жойи:

Манзил: Фаргона вилояти Маргилон шаҳар Янги Фаргона кучаси 1-уйда жойлашган мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатга олиш: соат 11-00 дан 11-30 гача амалга оширилади.

Умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар бериш учун акциядорлар реестрини ёпиш санаси 2020 йил 5-августь.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестрини тузиш санаси 2020 йил 30-августь.

Умумий йиғилишни ўтказиш юзасидан тегишли ахборотларни танишиш учун Кузатув кенгашига мурожаат қилишингиз мумкин.

Мажлисининг кун тартиби

1. «Фаргона Гүшт-Сут Савдо» АЖ МСМТваҒКнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича жамият ижро органи хисоботини кўриб чиқиш;
2. Жамият Кузатув Кенгашининг 2019 йил якуни бўйича хисоботини кўриб чиқиш;
3. Жамиятни 2019 йил якуни юзасидан тафтиш комиссияси хисоботини, ички аудит хисоботи ва ташқи аудит текширув хисоботи хулосасини кўриб чиқиш;
4. 2019 йил якуни бўйича Жамиятнинг йиллик хисоботини тасдиқлаш, жамиятнинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
5. Жамият ижрочи директори билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш ёки қайта кўриб чиқиш;
6. Жамият ижро органи раҳбари томонидан тақдим қилинган 2020 йил учун ишлаб чиқилган бизнес-режа ва харажатлар сметасини тасдиқлаш;
7. Кузатув Кенгаши таркибини қайта сайлаш;
8. Тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш;
9. 2020 йил якуни бўйича жамият молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун ташқи Аудиторни танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилашни кўриб чиқиш;
10. Жамиятнинг муддати ўтиб кетган ундирувни имконияти бўлмаган дебитор ва кредитор ҳақдорлик ва қарздорликларни воз кечиш йўли билан хисобдан чиқариш масаласини кўриб чиқиш;
11. Жамият акциядорларига хисобланган дивидендларни жамият фойдасига воз кечиш ёки тўлаб бериш масаласини кўриб чиқиш.
12. «Фаргона гүшт сут-савдо» АЖ нинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятга ўзгартириш;
13. «Фаргона гүшт сут-савдо» АЖ нинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини масъулияти чекланган жамиятига ўзгартириш тартиби ва шартларини тасдиқлаш;
14. «Фаргона Гүшт-Сут Савдо» акциядорлик жамияти мева сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхонаси устав фондидаги акцияларни акциядорлардан Жамият томонидан сотиб олиш масаласи;

Акциядорлар Умумий йиғилишига шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт), вакиллари эса нотариал тартибда расмийлаштирилган ишончнома (жисмоний шахс вакиллари нотариал идораси томонидан тасдиқлаган, юридик шахс вакиллари ташкилот томонидан берилган ишончнома) билан келишлари шарт.
Мурожаат учун телефонлар 73 237-58-24

«ФАРГОНА ГҮШТ СУТ САВДО» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ
Мурожаат учун телефонлар 8-373 237-51-26

«ФАРГОНА ГҮШТ СУТ САВДО»
АЖ МСМТваҒК Директори

Н.Ш.Алихонов